



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 29 июль, № 155 (8498)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАҚСАДИМИЗ – АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Фарғона шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



— Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ инсон қадрини улуғлашни энг олий қадрият сифатида эътироф этдик. Янгиланган Конституциямизда ҳам Ўзбекистон ҳуқуқий давлат эканлигини муҳрлаб қўйдик. Ягона мақсадимиз — адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали халқимизни рози қилиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун ваколатли тузилмаларга барча шароитлар яратилмоқда. Охириги икки йилда ҳуқуқ-тартибот фаолиятига оид 10 та қонун, Президентнинг 40 га яқин Фармон ва қарорлари, 60 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, айниқса, ички ишлар ҳодимларининг ойлик маоши кескин оширилди ва қўллаб-қувватлаш берилди. “Маҳалладаги бешлик” учун 30 мингдан ортиқ янги штатлар киритилди. Чунки аҳолининг тинчлигини таъминлаш маҳалладан бошланиши керак.

Лекин ўтган 6 ойда маҳалларда барвақт олдини олиш мумкин бўлган 12 мингга яқин жиноятлар содир этилган. 9 минг 500 га яқин маҳалларнинг 1 минг 500 тасида криминоген вазият бор.

Жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли билан ишлашда суҳбатчиликка йўл қўйганлиги учун Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари ва жамоат хавфсизлиги учун масъул ўринбосарига “ҳайфсан” эълон қилинди.

Сергели, Янгихаёт, Шайхонтохур, Гиждувон, Когон, Тупроққалъа, Тахтақўпир, Томди, Яккабоғ, Олтинсой, Зафаробод, Боёвут, Гулистон, Мингбулоқ, Олтинқўл туманлари ички ишлар бўлими бошликлари, Андижон, Бандихон, Бувайда, Нарпай, Юнусобод туманлари прокурорлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Маълумки, Нукус шаҳридаги “Алтин жағис” маҳалласида жиноят йўлига кириш эҳтимоли юқори аҳоли билан янгилаш тизими жорий қилинди. Унга қўра, бундай тоифага кирувчи аҳоли “ижтимоий профилактика” таъминоти асосида “маҳалла бешлиги”га номма-ном бириктирилди. Лекин бу тизимни бутун мамлакатда жорий этиш суҳбатчилик қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини 30 июль — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни изҳор этаман.

Кўп миллатли халқимиз — бизнинг энг катта бойлигимиз, юртимиздаги миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик — барча ютуқ ва марраларимизнинг эркс таҳкам асосидир.

Азал-азалдан ўзининг дўстлик, биродарлик ва бағрикенглик аъёнлари билан шуҳрат қозонган қадимий ва бетакрор Ўзбекистон заминида ҳозирги вақтда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро тинч ва аҳил яшаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар, 38 та дўстлик жамияти ва 153 та миллий маданий марказ эркин фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги давлат таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари 7 тилда олиб боришмоқда, қардош тили мактабларда тахсил олаётган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик

ва бадий адабиётлар билан таъминланмоқда.

Барча ҳудудларимиздаги “Дўстлик уйлари” турли миллатга мансуб фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишларимиз ҳам Ўзбекистоннинг дўстлик ва инсонпарварлик диёри сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун — ушбу қувончли айёмда “Халқлар дўстлиги” фестивали доирасида ўтказилаётган турли маданий-маърифий ва илмий-амалий тадбирлар ҳаётимиз қондасига айланган **“Ўзбекистон — умумий уйимиз”** деган ғоят муҳим тамойилни янада кенг қарор топтиришда бекиёс аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Эзгу аъёнанимизга мувофиқ, миллатлараро дўстлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари

учун турли миллат ва элат вакиллари бўлган ватандошларимиз бу йил ҳам давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларнинг барчасини чин қалбимдан табриқлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Биз миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлиқни, миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган сиёсатимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Умумхалқ референдумида қабул қилинган Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган қоида ва меъёрлар асосида нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги олти ярим йилда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Буни ҳаҳон ҳамжа-

мияти вакиллари, халқаро экспертлар, турли давлатларнинг сиёсий арбоблари ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Марказий Осиё минтақасидаги қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар қайта тикланиб, азалий қардошлик ва биродарлик аъёнлари янги босқичда давом эттирилаётгани халқларимизнинг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқаётганидан далолатдир.

Қадри ватандошлар!

Ушбу гўзал байрам чинакам дўстлик ва бағрикенглик юрти бўлган жонажон Ўзбекистонимизни дунёга янада кенг тараннум этишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, бутун халқимизни яна бир бор Халқлар дўстлиги куни билан самимий табриқлайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Муқаддас Ватанимиз — Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, доимо тинч ва барқарор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлиқни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва аъёнларни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, Янги Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, шунингдек, турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Аллабергенов Бекман — Амударё тумани нурунийлар жамоатчилиқ кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Алтунина Лариса Михайловна — Ўзбекистон рус миллий маданий марказининг Олмалик шаҳар бўлими раиси, Тошкент вилояти

Байжанов Яхшибай Абадович — «Туямайин гидроэлектростанцияси» унитар корхонасининг турбина цехи электрогаз пайвандчиси, Хоразм вилояти

Балаева Севил Алислам кизи — Республика озарбайжон миллий маданий марказининг Навоий вилояти бўлими раиси

Довгун Оксана Ивановна — «Славутини» Республика украин миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

Дурас Элени Анастасиос — Тошкент шаҳар грек маданияти жамияти бошқарув кенгаши аъзоси

Ембергенова Гулнара Сабираевна — Қорақалпоғистон Республикаси «Орол олтин мероси» жамоат бирлашмаси раҳбари

Исхаков Абрам Борисович — Бухоро яҳудийлари жамияти раиси, Бухоро вилояти

Кападзе Тахир Васильевич — Фарғона вилояти турк миллий маданий маркази раиси

Карипова Ралия Талгатовна — Тошкент шаҳри миллий маданий маркази бошқарув кенгаши аъзоси

Кравченко Геннадий Николаевич — Термиз шаҳридаги «Geniy-Termiz» масъулияти чекланган жамияти директори, Сурхондарё вилояти

Маркарян Гарик Мурадович — Самарқанд шаҳар «Луйс» арман миллий маданий маркази бошқарув кенгаши аъзоси

Махкамова Рискинисо Зоидовна — Чўст туманидаги «Андакус агро дунё» фермер хўжалиги пиллачиси, Наманган вилояти

Махмудов Эркин Касимович — Ўзбекистон уйғур миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

Назарова Бозор — Республика тожик миллий маданий марказининг Жиззах вилояти бўлими аъзоси

Оллобердиев Муқумбой Мавлонович — Қашқадарё вилояти араб миллий маданий маркази бошқарув кенгаши аъзоси

Размадзе Владимир Георгиевич — «Меғоброба» Тошкент шаҳар грузин маданият маркази бошқарув кенгаши аъзоси

Смесова Екатерина Александровна — Ўзбекистон рус миллий маданий марказининг Андижон вилояти бўлими раиси ўринбосари

Топчиев Жамолдин Сотиболдиевич — Хонобод шаҳридаги «Хидириша» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Фазилова Клара Байбуриевна — Ўзбекистон қозоқ миллий маданий марказининг Сирдарё вилояти бўлими раиси

Хан Маргарита Люревна — Ўзбекистон корейс миллий маданий марказлари уюшмасининг «Корё» ансамбли бадий раҳбари

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Когай Марина Александровна — Ўзбекистон корейс миллий маданий марказлари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси раиси

«Шуҳрат» медали билан

Даукаева Илвира Гамировна — Бектемир туманидаги 30-болалар музыка ва санъат мактабининг актёрлик маҳорати бўйича ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Лопатин Сергей Михайлович — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятининг асосий ишлаб чиқариш цехи механиги, Бухоро вилояти

Хутова Кулина Мудалифовна — Зафаробод туманидаги «Чимқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар фаоли, Жиззах вилояти

Эргашева Махбуба Хотамбековна — Самарқанд давлат университетининг фалсафа ва миллий ғоя кафедраси доценти, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп миллатли халқимиз шу кунларда Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Айнан 1991 йил 31 август куни халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажагига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси — янги суверен ва мустақил давлат пайдо бўлди.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва аъёнларимиз қайта тикланди, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Мустақил тараққиёт йўлидаги кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ УЧУН ТИББИЁТ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-414-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт тиббиёти соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш орқали спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт тиббиёти йўналишини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг **асосий йўналишлари этиб белгилансин:**

кадрлар тайёрлаш бўйича илғор инновацион, илмий-услубий технологияларни жорий этиш орқали ўқув жараёнларини спорт-таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан **узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш;**

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАҲАЛЛАЛАРДА СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, спорт майдончалари тозаллигини сақлаш ва атрофини ободонлаштириш бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5282-сон ҳамда 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-201-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги ПҚ-201-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 5-бандида **«Беш ташаббус олимпиадаси»** доирасидаги голиб ва совриндор бўлган ҳамда ҳудудда спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳалла терма жамоалари учун **универсал, стритбол ва воркаут спорт майдончаларини** (кейинги ўринларда — спорт майдончалари) **қуриш** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 3-бетда).





ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК — БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ, 30 июль — бутун дунёда Халқаро дўстлик куни сифатида нишонланиб келинади. Ўзбекистонда ушбу сана Халқлар дўстлиги куни деб белгиланган ва умумхалқ байрами ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан ушбу байрамнинг таъсис этилишини халқимиз кўтаринки руҳда кутиб олди.

Бу санани нишонлашдан асосий мақсад — жамиятнинг турли қатламлари ва тузилмалари

ўртасидаги ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантиришдан иборат.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Ўзбекистонда яшаётган барча инсонлар миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мамлакат Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган. Барча миллат вакилларига ўз миллий

маданияти, аъёна ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратилган.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳити бугун Ватанимизда муштарак мақсад йўлида бирлашган турли миллат ва элат вакилларининг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариб, бахтли, фаровон яшашда муҳим ўрин тутмоқда.

Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам аққол англаш мумкин.

Инсон қадри улуғланган юрт

Жонибек СЕТТИЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази Тўртқўл
тумани бўлини маси раҳбари:

— Жаҳон ҳамжамиятидаги миллатларнинг бир-бирига аҳиллик ришталарини боғловчи ғоя бу миллатлараро тотувлик ғоясидир. Ушбу ғоя замирида инсон қадрини улуғлаш ҳам ётади. Зеро, тинч-тотув, барча билан тенг, адолатли жамиятда яшаш инсоннинг энг олий ҳуқуқидир.

Бугун Ўзбекистонда инсонни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда ҳар йили Халқлар дўстлиги куни катта байрам қилинаётгани ҳам бунинг яна бир тасдиғи.

Ҳозирда туманимизда 230 минг нафарга яқин турли миллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Биз бир оиладек аҳил-иноқ яшаб кел-

моқдамиз. Дўстлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз, бирдамлигимиз тарих синовидан ўтган, тобланган.

Ўтмишга назар ташласак, ўтган асрнинг 30-йилларида очарчилик туфайли ўнлаб миллат вакиллари бир бурда нон топиш илнжидида Ўзбекистонга келган ва ўзбек халқи уларни меҳр билан қабул қилган. Шунинг учун "Тошкент — нон шаҳри" деб бежиз айтишмайди. Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқи яна минг-минглаб оилаларни, етим болаларни ўз бағрига олди, ҳеч ким кўчада қолгани йўқ. Бу тарихий ҳақиқат, бугунги авлодлар учун ҳам ибрат тимсолдир.

Албатта, Халқлар дўстлиги куни юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, аъёналари ҳамда урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш йўлида давлат сиёсати самарали амалга оширилаётганини яна бир бор намён ётади. Ушбу байрам бағрикенг халқимизга муборак бўлсин!

Сабантўйни ўзбеклар ҳам жуда севишади

Фирюза ИХСАНОВА,
Қашқадарё вилояти татар-
бошқирд миллий маданий
маркази директори:

— Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида татар ва бошқирд миллатига мансуб саккиз мингдан зиёд кишилар ўзбек халқи билан аҳил-иноқ, қўни-қўшни, қўда-анда бўлиб яшаб келмоқда. Марказимизнинг эмин-эркин фаолияти ҳам кўп нарсани аниқлатади.

Муассасамиз қошида "Қуёш" фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилган. Ушбу ансамбль аъзолари ва марказ фаоллари доимий равишда вилоятнинг турли ҳудудларида бўлиб, хайрия концертларини намойиш қилиб келмоқда.

Татар-бошқирд халқларининг барча миллий байрамларини кенг нишонлаймиз. Айниқса, Сабантўй байрамини ҳар йили кенг доирада ва катта шукҳ билан ўтказамиз. Бу байрам ва унга ҳо аъёналарини ўзбеклар ҳам жуда севишади. Тантаналаримизда заллар томошабинларга тўлиб кетади.

Қашқадарё вилояти татар-бошқирд миллий маданий маркази 2021-2022 йилларда Олий Маж-

лис ҳузуридаги Нодавлат нотихорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловларида штирок этиб, икки маротаба ғолиб бўлди. Натижада ушбу грант маблағлари ҳисобидан "Одамларни боғлайдиган кўприклар" ҳамда "Қашқадарёга хуш келибсиз — Буюк Ипак йўлининг маданият чорраҳасига" китобларини нашрдан чиқаришга муваффақ бўлди. Ушбу китобларда ўзбек ва татар халқларининг маданий алоқалари, урф-одатлари, Қашқадарё вилоятининг гузал табияти, туристик гўшалари акс эттирилган.

Ҳойбу қишлоғида жойлашган "Улли ховли" тарихий мажмуаси ёнида "Ўзбек — туркман дўстлик уйи" барпо этилди. Улуғ шоир Махтумқули Фирғонининг ҳайкали қад ростлади.



Бугун "Ўзбек — туркман дўстлик уйи" мажмуасида ташкил этилган тарихий ёдгорликлар музейидан маҳалли ва хорижий сайёҳларнинг қадами узилмайди. Мажмуадаги кутубхонада ўзбек ва туркман адибларининг энг нодир асарлари жамланган. Қайта таъмирланган "Улли ховли" тарихий мажмуаси эса туркманларнинг яшаш тарзи, тарихи ва бугуни билан танишиш имконини беради. Мажмуада ўтказилаётган турли фестивал ва кўргазмалар орқали вилоятнинг туризм салоҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

«Халқ сўзи».

Ватан тараққиёти — халқимизни бирлаштирган эзгу ғоя



Рустамбек КУРБОНОВ,
Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик
алоқалари қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар оғида кўп миллатли ягона оилага дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Фармони билан тасдиқ-

ланган Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, урф-одатлари ва аъёналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, кўп миллатли халқимиз саъй-ҳаракатларини олижаноб ғоя — мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш

ғояси атрофида бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандидек яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, республикаимизда таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилади. Шунингдек, юртимизда 153 та миллий маданий марказ фаолият юритаётган бўлиб, аксарият маданият марказларида "Якшанба мактаблари" ташкил этилган. Уларда ёшларга она тили ва давлат тили, урф-одат ва аъёналар, маданият ва санъат йўналишларида билим бе-

риб борилади. Қўвонарлиси, республикаимиздаги барча миллий маданий марказлар давлат миқёсидаги умумхалқ байрамлари, тадбирларида фаол қатнашади.

Мамлакатимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий урф-одат ва аъёналарнинг ўзига хослигини сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун турли миллат вакиллари бўлган 350 дан ортиқ ватандошларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Ўзбек халқи ўз тарихи давомиди ҳар доим бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан бағрикенг бўлган. Зеро, бизнинг асосий бойлигимиз ҳам юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглиқдир.

Бизнинг дўстлигимиз умрбоқий

Елена НАВРУЗОВА,
Қозон (Волгабўйи) федерал
университети Жиззах филиали
масъул ходими:

— Президентимизнинг 2021 йил 28 августдаги қарорига асосан Қозон (Волгабўйи) федерал университетининг Жиззах шаҳридаги филиали ташкил этилган эди. Олийғоҳда турли миллат ва элат вакиллари ишлайди, ўқийди. Бу ерда ўзбеклар, руслар, татарлар, уйғурлар, тожиклар ва бошқалар — уларнинг барчасини Ватанга, сеvimли ишига муҳаббат, бир-бирига самимий ҳурмат бирлаштиради. Биз биргаликда ҳақиқий, мустаҳкам оиламиз! Ана шу катта оилада аъёнага кўра ҳаммамиз миллий байрамларни бирга нишонлаймиз.

Ўтган йилдан буён филиал вилоят рус маданият маркази билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Олийғоҳда ҳам ўзбек, ҳам рус миллий байрамлари кенг нишонланади. Наврўз, Мустақиллик, Ҳайит, "Масленица" ва



алида ўтказилаётган барча тадбир ва байрамларда дўстона муҳит, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳукм суради. Турли миллат ва элат вакиллари ўзларининг ранг-баранг миллий либосларини кийиб, чинакам сеҳрли муҳит яратди.

Қувонч билан айтганимиз, бундай муносабатлар мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш, юртимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик, тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қилади.

Янги йил байрамларини барчамиз ҳамкорликда ўтказамиз. Таъкидлаш жоизки, Қозон (Волгабўйи) федерал университетининг Жиззах филиалида ўтказилаётган барча тадбир ва байрамларда дўстона муҳит, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳукм суради. Турли миллат ва элат вакиллари ўзларининг ранг-баранг миллий либосларини кийиб, чинакам сеҳрли муҳит яратди.

Бир дарёдан сув ичган икки халқ

Нодира МИРЗАОЛИМОВА,
Наманган вилояти қирғиз миллий
маданий маркази раҳбари:

— Географик жиҳатдан Қирғизистон билан қўшни бўлган Наманган вилоятида қирғиз миллатига мансуб 20 мингдан ортиқ фуқаролар истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон туманларидаги қишлоқларда ҳаёт кечиришади.

Бир дарёдан сув ичган икки халқнинг урф-одат ва аъёналари ҳам уйғунлашиб кетганки, тўй-тўйчиқ ва байрамларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. Миллатдошларимиз юртимизда фарзандларимизнинг мустаҳкам билим олишлари, эмин-эркин меҳнат қилиб, ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун катта имконият яратилганидан жуда мамнун. Масалан, Янгиқўрғоннинг Поромон қишлоғида яшаб ўтган сермахсул шоир Робиддин Исроқов сулоласини бутун вилоят аҳли яхши танийди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Озода Бегимкулова, қўли энгил жарроҳ Абзалбек Саваев ва бошқа бир қатор юртдошларимиз билан



ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. Бугун вилоятда қирғиз тилидаги таълимга асосланган учта мактаб фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўғил-қизларимиз ўзбек тили билан бирга ўз она тили ва адабиётини ҳам чуқур ўзлаштирмоқда. Маданий ҳаётимизда ҳам миллийлик мужассам. Бундай анжуманларнинг вилоят марказидаги Дўстлик уйида, турли миллат вакиллари жамулжам ҳолда ўтказилаётганидан бир-биримизга меҳримиз товланади.

Бинобарин, қондош ва жондош икки халқнинг иноқлиги, мақсадларимиз муштараклиги жойларда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар ривож, жонажон Ўзбекистонимизни раванқиди муҳим ўрин тутатганини ҳар бир миллатдошимиз қалбдан ҳис этиб яшаётганининг ўзи катта бахт.

Юксак эътибордан қалбимиз нурга тўла

Турехон НАРИМБЕТОВ,
Навоий вилояти қозоқ миллий
маданий маркази раҳбари:



— Навоий вилоятида 50 минг нафардан ортиқ миллатдошларимиз истиқомат қилади. Юртимизда барча миллатлар катори биз, қозоқларнинг ҳам эмин-эркин яшашимиз, ўз миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, авлоддан-авлодга етказиш, замон талаблари асосида бойитиш учун қўлай муҳит ва имкониятлар яратилган. Юксак эътибордан қалбимиз нурга тўла.

Биргина таълим тизимининг олайлик. Навоий вилоятида 58 та умумтаълим мактабида таълим қозоқ тилида олиб борилади. Навоий давлат педагогика институтида шу мактаблар учун педагог кадрлар, Тошкент,

Бухоро, Самарқанд шаҳарларидаги бир қатор олий ўқув юртиларида имтиёзли асосда таълимимизнинг Томди, Учқудуқ ва Қонимех туманларидаги олис овулар учун шифокорлар тайёрланмоқда. Шунингдек, ушбу туманлардаги чекка овуларда ҳам "Обод маҳалла" дастури асосида кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, аҳоли учун қўлай инфратизим яратилди. Мактаб, мактабгача таълим ва тиббиёт маъсасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Қанарбой ота, Айтеке бий қабил улуғ аждодларимизнинг зиёратгоҳлари ободонлаштирилиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Шу ўринда марказимиз фаолларидан беш нафарининг давлат мукофоти билан тақдирлангани, турли халқро тунловлар, анжуман ва фестивалларда ғолибликни қўлга киритганиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбек, туркман созин навоси ўхшаш...

Давлатназар РАҲАБОВ,
Хоразм вилояти Ўзбек — туркман
дўстлик жамияти раиси, "Дўстлик"
ордени соҳиби:

— Ўзбек ва туркман халқлари азалдан тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Бугун ҳам юртимизда турли миллат вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдамиз.

Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ўз минг нафарга яқин туркманларнинг бошқа миллат ва элат вакиллари сингари муносиб турмуш кечириши, миллий қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириши, фарзандларининг таълим олиши, истеъдод ҳамда салоҳиятини кенг намён этиши учун барча шароит яратилган.

Миллий маданий марказимиз воҳода уюштирилаётган байрам тадбирлари, дўстлик фестиваллари ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келади. Президентимиз ташаббуси билан Урганч туманининг

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини қўлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.

Таҳририятга келган қўлағмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлари берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мушаххис — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6